

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 йил
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН



ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • 2005 йил 30 сентябр • № 40 (536)

ҲАМЖИҲАТЛИК ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН



марканд, Тошкент шаҳри ва вилояти партия ташкилотлари томонидан бу борада айтса арзигулик ютуқлар талайгина. Шунга қарамадан, жойлардаги партия ташкилотларининг айрим раҳбарлари бугунги сиёсий жараёнларга бироз бефарқлиги, қолаверса, тўла сиёсий фаол эмаслиги кўзга ташланмоқда. Буни Тошкент шаҳри ва вилоятида ўтказилган 1-босқич семинарларида тушуниб етдик. Бу семинарларни партиянинг барча бўғинларида узлуксиз ўтказиб туришимиз даркор. Ана шундагина биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга эришамиз.

Шунингдек, тадбирда партия уставини янги таҳририни тайёрлаш, Умумпартия конференциясини ўтказиш ҳамда партиянинг сайловолди ҳаракат Дастурини ишлаб чиқиш юзасидан сўзга чиққан партия фаоллари давлат ва жамият, энг асосийси, сайловчилар партия депутатларидан ўзларини қийнаётган муаммолар ечимини кутаётганлигини айтиб ўтишди.

Дарвоқе, қизгин мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган пленум кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан маърузалар тингланб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз.



Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

«Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши жамоат ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жойларда ўтказилаётган тадбирларда Кенгаш фаоллари партия дастури ва Низомини, галдаги вазифалар ҳақида йиғилганларга кенг тушулча берилаётгани аъзолар сафини кенгайтириш имконини бермоқда. Яқинда Шаҳрисабз туманидаги «Дон — халқ ризқи» ҳиссадорлик жамиятида шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Унда сўзга чиққан туман Кенгаши биринчи котиби М.Азизов ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлардан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз юритди.

Йиғилиш сўнггида жамият аъзоларидан етти нафар партия аъзоллигига қабул қилинди.

Комил САҲАТОВ,
«Адолат» муҳбири

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг фаолияти бугун анча жонланди. Айниқса, мавжуд партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари нафақат мамлакатимиз ҳаётида, балки, бутун дунёда содир бўлаётган ҳар бир воқеа ва ҳодисаларга ўзларининг дастур ва ғоялари асосида муносабат билдираётгани кўпчилик сиёсатчиларни ўзига қаратмоқда. Бу жамиятимиз демократия аъналарини тобора ривожланиб бораётганининг самарасидир.

Кун кеча бўлиб ўтган ўзининг социал-демократик ғоя ва қарашлари билан мамлакатимиз ҳўлиси орасига кириб бораётган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг IV Пленумида

билдирилган мулоҳазалар ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, парламент сайловларидан кейинги давр мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси томонидан Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деб номланган маърузасидан келиб чиққан ҳолда йиллик иш режасини ишлаб чиқиш, қонунчилик соҳасида ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, шу қисқа давр мобайнида фракция депутатлари 16 та қонун лойиҳалари бўйича 153 та таклифлар тайёрланди ва

Айрим хорижий матбуот нашрларининг Андижонда содир этилган муҳқим воқеалар ҳақида ўзлари билиб-билимай тарқатаётган хабарлари жамоатчиликни ҳалитишдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Андижон воқеалари бўйича тергов ишларининг бориши тўғрисида Олий Мажлис комиссиясига берган ҳисоботида қайд этилишича, 2004 йилнинг август ойида бузуғчи кучлар «Туркистон исломий ҳаракати», «Ҳизбут-таҳрир», «Ақромийлар» оқими халқаро террорчилик ҳамда диний экстремистик кучларни жалб қилган ҳолда ҳокимиятнинг эгаллаш, конституцийвий тузумни ағдариш мақсадида юртимизда террорчилик ҳаракатлари содир этишни режалаштирган. Улар

АЛДОВ ТУЗОФИ

нинг қуролли ҳуружи оқибатида аҳолининг тинчи бузилди, қанча биноларга шикаст етди, бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Айримлар «Ақромийлар» оқимининг куткусига учиб, йўлдан адашди. Қирғизистон ҳудудида олиб ўтилган тўрт юздан зиёд одам бугун Руминияда сарсон-саргардонликда.

Ҳақли савол туғилади: «қочкин» мақомидаги бу фуқароларнинг, айниқса ёш-яланғларнинг тақдир қандай кечаётди? Иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган ўша давлатда кутилмаган «меҳмон»ларга иззат-икром кўрсатилмаётгандир? Умр абадий эмас, иссиқ жоннинг иситмаси бўлади, деган гап бор. Оғир кунларида, бошига мусибат тушганда уларга ким елкадошлик қилади? Ўша «биродарлари» улар дардидаги малҳам бўла олармикан?

Нима бўлганда ҳам, «Ақромийлар»нинг тузоғига илганлар алдовнинг қурбонига айланишди. Ватангадолик, ватанфурушлиқнинг қисмати оғир. Яратганининг ўзи барчамизни бундай қўғулчилардан асрасин.

Бахтиёр АҲМЕДОВ,
Мингбулоқ тумани халқ таълими бўлими мудири

Муносабат

АҚЛУ ИДРОККА ИШОНМОҚ ЛОЗИМ

2005 йил 15 сентябр кунин мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Андижон воқеалари юзасидан тергов ҳаракатларининг боришига доир баёноти билан таништирилди. Баёнотда ўша машъум қўпуровчилик қимлар томонидан, қандай тарзда ташкиллаштирилиб, қай йўсинда амалга оширилгани, унга қандай кучлар жалб этилгани ҳақида батафсил маълумот берилди. Мазкур террорчиликни амалга оширишдан мақсад республикамизнинг мустақиллигига, барқарорлигига, миллий манфаатларига раҳна солишдан иборат эканлиги аён бўлди.

Бугунги мураккаб геосиёсий жараёнлар даврида салбий кучларнинг ўз гарзали ниятларини қай тарзда амалга оширишлари мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Яъни ҳар қандай кўринишдаги қўпуровчилик ҳаракати қаерда, қандай кучлар ёрдамида амалга оширилиши, бунга қачондан бошлаб қай тарзда тайёргарлик кўрилиши - буларнинг барчаси пухта ишлаб чиқилган режага асосланиши ҳаммага маълум. Андижон воқеалари асосида террорчилар ўзларининг қўпуровчилик ҳаракатларига тинч аҳолини ҳам жалб этишга, бунга гоҳ диний, гоҳида эса ижтимоий-иқтисодий тус беришга уриниб кўришди. Бунинг уддасидан чиқа олмаслигига қўзи етган, воқеага «фуқаролар чиқиши», «кенг аҳоли намойиши» тусини беришга зўр бериб уриндилар. Террорчилар чучварани хом санаганди. Шу нарса аёнки, ўзбек халқи ҳеч қачон пуч ғояларга асосланган бир ғуруҳ бузуғчилар тўдасига эргашмаслигини, бунга асрлар давомида ҳаёт синовларидан ўтган, ўзининг соғлом иймон-этиқоидига эгалигини тўлиқ англаб етмаган.

(Давоми 5-бетда)

Ҳозирги замонда ҳар қандай давлат ўзининг ҳудудий манфаатларини, айниқса, экологик муаммоларни ёлғиз ҳал этолмаслиги барчага маълум. Ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган экологик муаммо чегара, миллат, ҳудуд танламайди. Шу нуқтаи-назордан Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводининг салбий таъсири оқибатида юзга келаятган оғир экологик вазият нафақат бизнинг республикамизга балки, Тожикистон халқига ҳам катта зарар етказиши тайин. Бу зарарнинг миқдорини эса рақамлар билан ҳисоблаб бўлмайди. Республикамиз матбуотидаги айни шу муаммага доир чиқишлар барчамизнинг диққатимизни жалб этаётир, биз кимёгарларни ташвишга солаётир.

Ўтган асрнинг олтинчи-чи йилларида собиқ иттифок раҳбарлари саноатни ривожлантириш баҳонасида Марказий Осиё ҳудудида турли корхоналар қуришни режалаштириб, бундан олинатирилган фойдада халқнинг турмушини яхшилашни ваъда қилишган эди. Бу режалар ортида чуқур ўйланган лойиҳалар борлиги ўша пайтларда на республикалар раҳбарлари, на олим ва муҳандисларнинг ҳаёлига келмаган. «Жази бизга, тутуни бизга» қабилидаги ўша режаларнинг аччиқ меваси ўн йиллар ўтган аён бўлди. Тоза маҳсулот шимолга ташиб кетилар, захар-зақум тутунлар эса осмонимизни қоплар эди.

Шундай корхоналардан бири Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи 70-йилларда ишга туширилган. Корхонадан йигирма йил мобай-

АЛЮМИНИЙ ОҒУСИ

ёхуд экологик мувозанатнинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келади

нида чиққан ўта фаол, оддий шароитда ҳам кўп элемент ва моддалар билан бирикшига мойил фтор нафақат Турсунзода шаҳри атрофида, балки Сурхондарё вилоятининг Узун, Саросиё, Денов ва бошқа туманларидаги экинзору боғларни қуритиб битирди, одамлар ва жониворларни захарлади.

Алюминий ишлаб чиқаришда фтор моддаси ишлатилади. Галогенлар туркумидаги бу кимёвий элемент ўта бадбўй захарли газ бўлиб, ҳавога тез тарқала-

ди. Фторнинг энг хавфли томони шундаки, у инсон соғлиғи учун жуда зарур бўлган йодни сўриб олади, ҳайвонлар ва ўсимликларда ҳам йод етишмовчилигини юзга келтириб, фотосинтез жараёнини бузади, иммунитетни йўқотди.

Тадқиқотлар давомида аниқланишича, Саросиё тумани ҳудудида ҳавонинг фторли водород бирикмалари билан ифлосланиш даражаси йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордан 2,4 баробар кўплиги кузатишган. Тўғри, корхона кам қувват би-

лан ишлаган 1991-1996 йилларда ҳавонинг фтор бирикмалари таъсирида ифлосланиши бироз камайган эди. Бироқ кейинги йиллардаги текширишларда мевали да-рахтлар баргларида фторидларнинг тўпланиши 70-80 мг/кг миқдорга етгани аниқланди. Тожикистон алюминий заводидан тарқалаётган

(Давоми 2-бетда)

ПОЛЬШАДА
ПАРЛАМЕНТ
САЙЛОВИ

PIS	152
PO	133
Samoobrona	57



МЕН ИЛК
ТАНИГАН ЮЛДУЗ

Ушбу сонда:

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 13 йиллиги олдидан

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ, ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

«Конституция — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир...»

Ислом КАРИМОВ

Ҳар қандай давлат тарихида шундай саналар бўладики, уларнинг аҳамияти вақт ўтган сари тобора ортиб бораверади. Жумладан, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ҳам ана шундай саналар сирасига киради. Зеро, ўн уч йилдирки, давлатимиз раҳбари таърифлагандек, йўлимизни ёритиб турувчи бу — маёқ, бу — ҳуқуқий ҳужжат Ўзбе-

кистон халқининг асрий орзу-инилишларини ифода-лаб келмоқда.

Унинг том маънодаги аҳамияти шундаки, у — ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий пойдеворидир. Жамиятимиз ҳамжиҳатлиги, мустаҳкам барқарорлик ва тинч меҳнат шароити — Конституциямиз моҳияти билан боғлиқ. Зеро, у ўзини мустақиллик, демократия, халқимизнинг юксак

маънавияти, аънаёлари ва удувлари, миллатлараро тотувлик ва пировардида, адолат каби миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни мужассамлаштиради. Ана шу қадриятларнинг жамият ҳаётига тадбиқ этилиши ва у ҳар бир фуқаронинг турмушига, онига сингиб бориши — шубҳасиз, бугунги куннинг энг муҳим масаласи ҳамдир.

Оддийгина қилиб айтидиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тадбиқ қилишнинг: сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, иқтисодий, ижтимоий сингари қатор жиҳатлари бор.

(Давоми 5-бетда)

Спортимиз юлдузлари


ДИЛШОД — ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли бугун юртимиз ҳақли равишда дунёнинг йирик спорт марказларидан бирига айланди.

Мамлакатимиз теннис, бадий гимнастика, синхрон сузиш, футбол, бокс, каратэ, кикбоксинг, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, самбо бўйича йирик халқаро турнирларга мезбонлик қилди.

Миллий курашимиз эса халқаро спорт турига айланди. Ёшларнинг бошланғич синф ўқувчисидан то олий ўқув юртлари талабаларигача бўлган қатламини ўзига қамраб олган, ҳали жаҳон тажрибасида кузатилмаган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларидан иборат уч босқичли узлуксиз спорт тизими жорий этилди.

(Давоми 6-бетда)



Долзарб мавзу

ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибига қўйилган бир нечта масала депутат-

лар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-

Фракция йиғилиши

моддасига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Фракция йиғилишида «Баъзи бошқарув давлат органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ҳакамлар судлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенат томонидан рад этилган айрим қонун лойиҳалари ҳам қайта овозга қўйилиб, кенг муҳокама қилинди.

Ўз муҳбиримиз

ҲАР ИШДА ФАОЛ ВА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмухамедованинг Сиёсий Кенгаш IV Пленумидаги маърузаси

Хурматли Пленум қатнашчилари! Хурматли анжуманимиз меҳмонлари!

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг Олий Мажлис қонунчилик палатаси раҳбарияти, қўмита ва партия фракциялари раҳбарлари ҳамда фаоллар иштирокида бўлиб ўтган мажлисда қўрилган Ўзбекистон Республикасининг ташқи ва ички сиёсати билан боғлиқ муҳим масалалар нафақат парламент фаолияти учун, барча сиёсий партиялар, бутун Ўзбекистон халқи учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Шу мажлисининг бевоқифа мен, мажлисда қўрилган масалалар ва Ўртабшомизнинг нутқида баён этилган фикрлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Мажлисда сўзга чиққан Президентимиз Хонобод авиабазасини ташкил этилишидан мақсад ҳамда яқин келажакда мавжуд авиабазадан қандай геостратегик мақсадлар қўзланаётгани ва ундан юзага келадиган сиёсий вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берди.

Ўртабшомизнинг сўзлари депутатлар, партия етакчилари учун яна бир жиддий сиёсий мактаб бўлди ва биздан сиёсий етуқлик, жўшқин феолиқ талаб этилиши намойён этди. Айниқса, Андижон воқеалари муҳокамасида етакчиларимиз Ватан тақдир олдига ўз масъулиятини, феолигини ошириш зарурлигини аниқлади.

Ўртабшомизнинг куюн-чаклик, фидойилик ҳам ҳар биримизнинг қалби-мизда сўлмасдан жўш урганида, бугунги ҳаётимизда айрим иллатларнинг томири қирқилмасмиди? Андижондаги машум воқеа халқимиз ҳаётидаги оғир яра, жароҳат, мусибат бўлди. Шундай оғир давларда афсуски, на сиёсий партиялар, на кўпал депутатлар фаолият ва фидойилик билан ўзларини тўла кўрсата олмадилар.

Фидойиликнинг биринчи шарти эса ўз шахсий ороми, ҳузур-ҳаловати, тинчидан кечи, юрт учун жон қўйдириб ишлаш, яшаш!

Президентимиз иштирок этган Сенат Кенгаши мажлиси муҳокамаси депутатлар, партия етакчилари учун жиддий сабоқ бўлди. Партияимизнинг ўтган даврдаги фаолиятдан зарур ҳулосаларни чиқариб, зим-маимиздаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда янада севгир ва ҳушёр бўлишимиз даркор. Тан олиш керак, Андижонда рўй берган воқеаларни етарлиқ муҳокама қила олмадик, бу борадаги тadbирларимизда ҳам

уюшқоқлик етишмади. Ваҳоланки, ҳозирги мураккаб вазият партия етакчиларимиздан ўта масъулиятли бўлишни талаб этади.

Назаримда, барча сиёсий партиялар, биринчи навбатда, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўз фаолиятини Президентимизнинг 2005 йил 19 августда Олий Мажлис Сенати Кенгаши йиғилишида билдирган фикр-мулоҳазалари асосида бутунлай қайтадан кўриб чиқмоғи лозим.

Агар партия халқнинг ичига чуқур кириб бормаса, унинг орзу-армонлари, қувончу тавишларини теран англаб, иродасининг ифодачиси-га айланмаса, бундай партиянинг ҳеч қандай истиқболи бўлмайди. Зотан, юртбошимиз таъкидлаганидек, "ўзининг аниқ йўлига эга бўлмаган сиёсий партияларнинг кераги йўқ". Мана шу аниқ ҳақиқат бутун фаолиятимизни ҳаммиса бедорликка, журъат ва шижоъатга ундайдиган талаб бўлиб қолиши лозим.

Тўғри, партия Сиёсий Кенгашининг шу йил февралда бўлиб ўтган III Пленумидан кейин Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси ҳамда жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятда бир қатор ўзгаришлар рўй берди.

Фракция мажлислирида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бозор ишлорларини чуқурлаштириш ва тadbиркорликни ривожлантиришга қаратилган "Бозор ишлорларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги, "Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Фармонларининг ва "Тadbиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарорнинг ва ушбу Фармонларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокамаси бўлиб ўтди.

Фракциянинг кенгайтирилган мажлисларида юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасидаги ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга бериш тўғрисида"ги Фармонлари муҳокамадан ўтказилди. Мажлисларда иштирок этган депутатлар, партия фаоллари бу Фармонларнинг аҳамияти инсон ҳуқуқларини химоя қилишда низоҳатда бекиёс эканлигини айтиб ўтишди. Шунингдек, фракция аъзолари Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишни муносабати билан бу жазо турини умрбод ёки узоқ муддатли жазо тури билан алмаштириш заруритидан келиб чиқиб, бу борадаги ривожланган давлатларнинг амалиёти ва тажрибасини ўрганиб чиқиб тақлифлар тайёрлаш лозимлигини таъкидлаб, ҳозирда бу соҳада амалий ишларни бошлаб юбордилар.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши йирик тadbирлар 63 та бўлди. Бу борада Андижон вилоят партия Кенгашининг фаолияти эътиборга сазовордир. Андижон шаҳрида бўлиб ўтган муҳим воқеаларнинг эртасигаёқ "Адолат" СДП Андижон вилоят Кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг сенатори Мамазоир Хўжабердиев Вилоят партия Кенгашининг навбатдан ташқари Пленумини чакирди.

Пленум партиядошлар, фуқаролар орасида амалий ишлар олиб бориш юзасидан қарор қабул қилди. Пленум қарорлари юзасидан 270 нафар партия фаоллари ва Андижон Давлат Тиббиёт институти профессор-ўқитувчиларидан ташкил толган жамоатчилик гуруҳлари 1152 маҳалла, қишлоқ фуқаролари йиғинларида, ўқув юрларида, ташкилотларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди. Шунинг билан бир қатар, тарғиботчилик етакчиларининг ақсариёти "Адолат" партиясининг аъзолари бўлди.

Хоразм, Самарқанд, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари томонидан уюштирилган тadbирлар кўп сонли ва қизиқарли мавзуларда ўтказилди.

Лекин келтирилган ютуқларга қарамадан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда марказий ва ҳудудий партия ташкилотларининг фаолияти ҳозирги кунда сиёсий партиялар олдида халқимиз томонидан қўйилган талабларга тўла жавоб бера олмайди.

Бу каби ҳолатларнинг рўй бериши фаолиятимизда тубдан бурилиш ясашни талаб этади. Бунинг учун биз, биринчи навбатда қўйдаги ишларни амалга оширишимиз керак: жойлардаги ташкилий ишларни, жумладан, бар-

ча бўғинлардаги партия ташкилотларида аъзоларни рўйхатга олиш ишларини тартибга солиш, ҳар чорак ҳисобот бериш тизимини жорий қилиш; ҳудудий партия Кенгашларини сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук кадрлар билан мустаҳкамлаш;

партия аъзолари ва етакчиларининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан ўқув семинарлари, тренинглари ва бошқа шунга ўхшаш тadbирларни йўлга қўйиш;

барча поғонадаги партия Кенгашларида кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун шароит яратиш;

марказда ва жойларда социал-демократия мафкурасини чуқур эгалаш борасида ғоявий-сиёсий ишларни кучайтириш;

аҳоли билан олиб бориладиган ишлар кўлами ва мазмунини кучайтириш, фуқароларга амалий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш; "Адолат" СДПдан сайланган маҳаллий депутатларни партия ташкилотларининг фаолиятига ва тadbирларига фаол жалб этиш.

Юқорида қўйилган вазифаларни рўйга чиқаришда, бугун Сизга тақдим этиладиган ва партия III курултойда қабул қилинган, курултойда сайланган ишчи гуруҳи томонидан барча тузатиш ва қўшимчалар қилинган партия Уставининг янги тахририни партия фаолиятига жорий этиш ҳамда партиянинг кейинги сайловларига бўлган даврга мўлжалланган ҳаракат Дастурини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Биз социал-демократия ғояларига содиқ қолган ҳолда, Дастурлардаги бир хилликни йўқотишимиз, партияимизга ва унинг электоратига мос ва ҳозирги кунда долзарб бўлган йўналишларни аниқлаб олишимиз керак. Давр талабларига ҳамохан ҳолда феолигимизни, ҳушёрлигимизни йўқотмайлик.

Бу конференция партия ҳаётида катта бурилиш ясайдиган, барча бўғиндаги партия ташкилотлари фаолиятини оширадиган, партияимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муҳим сиёсий тadbир бўлиши керак.

Уйлайманки, барча партия ташкилотларимиз, барча етакчи ва фаолларимиз бутун қулайларини ишга солиб, Конференцияни тайёрлашда ва уни амалга оширишда фаоллик кўрсатадилар.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ҚЎЛНИ БЕРИНГ, ПАРТИЯДОШ

"Адолат" СДП Нарпай туман Кенгашининг биринчи котиби Болта Даминов пахтачилик фермер хўжалигини бошқармоқда

Инсонда хоҳиш-ихтиёр бўлса, олтинга тенг вақтни қадрлай олса кўп ишларга улгуриши мумкин экан. Бинобарин, асли касби шифокор бўлган Болта Даминовнинг оппоқ халатини бир зум ечиб қўйиб пахтазор оралашга, фермерлик билан шуғулланишга вақт топганига нима дейсиз? Яна қандай фермер денг, Нарпайдагина эмас, Самарқанд вилоятида ҳам иқтисодий юртакчилари энг қўри бўлган машъал фермерлардан. Биргина 8 гектарлик галладан шу йилнинг ўзида нақ 70 центнердан хирмон яратилди. 12 гектарлик пахтазорнинг ҳосилини эса кўз кўриб қувнайди—35 центнерлик режа чўт эмас! Боиси фермер хўжалигига ернинг қадрини биладиган маслакдош, тиниб-тинчимас кишилар билан бирлашиб меҳнат қилишарканда. Шунинг учун ҳам рўзгорлари бут, дастурхонлари тўкин, омборлари дон-дунга тўлиқ.

фермерлар сарқори. — Деҳқончиликнинг оғир синовларини энгиб оёққа тура олди. Экин майдонларимиз шартли суғориладиган ерлар бўлгани учун, энг аввало, сув муаммосини ҳал қилдик, насос ўрнатдик. Аъзоларимизда меҳнати самарасига умид уйғотдик. Энди ҳеч ким даромадли ишни ташлаб кетмайдиган бўлди.

соҳадан салкам 10 миллион сўм соф фойда кўрди. Оила бюджетини анча мустаҳкамлаб олган деҳқонлар ишга янада масъулият билан ёндошадиган, янги тақлиф, режаларни ўртача кўядиган бўлдилар. Шу тариқа бутун даромад ҳисобидан битта чопиқ трактори сотиб олдинди, электр трансформатори ўрнатилди, икки қаватли шийпон қурилиши бошлаб юборилди. Бу йил фермерлар йил якуни бўйича 15 миллион сўмлик фойдани кўзлаб туришди.

Бугун фермер хўжалигида бўлган кишининг баҳри дили очилади. Ҳосили чаноқларга сифмал турган пахтазор ёнида хурмозор ҳам барпо этилган. Дала деҳқон меҳнати-ю куз саховатидан яшнаб кетган. Ҳар қандам тadbиркорликнинг, тантиликнинг изи сезилиб туради.

Болта Даминов "Адолат" социал-демократик партияси туман кенгашининг биринчи котиби ҳам ҳисобланади. Партия фаоллари иқтисодий-иқтисодий муаммоларга омилиқона ечим топиб, аҳоли ўртасида обрў қозона олишган. Меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотлар тобора ана шундай синалган кишилар ҳисобида кенгайиб бормоқда. Сарқотибнинг шахсан ўзи эса партия дастуридаги ғояларни амалий ишларда намойиш этаётгани боис уни қўлаб-қувватлаётганлар кўпчилики.

Шунинг учун бўлса керак туман ҳокимлиги долзарб муаммоларига ечим излашда партия кенгашига суянади. Унинг ташаббускорлигини қадрлайди. Бу эса партия кенгашига, унинг сарқотибига берилган ҳаққоний баҳодир.

Суратларда: Болта Даминов ва унинг фермер хўжалиги аъзолари.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, "Адолат" муҳбири

Орамиздаги одамлар

ОҚСОҚОЛНИНГ ҒАЙРАТИ

Эл-юрт қорига камарбаста инсонлар ҳаммиса халқ назарида, эъзозидан бўлиб келишган. Бугунги кунда ҳам орамизда тиниб-тинчимас, жонқуяр кишиларнинг қўлпиги, уларнинг фидойиларча хизматлари туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз тобора ободонлаштириб бораётган.

Пойтахтимизнинг "Чигатой-Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов ҳалол меҳнати билан обрў қозониб келадиган инсонлардан. У 1947 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ўрта мактабни, кейин Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтини битириб, иқтисодий касбини эгаллади. Савдо соҳасида турли лавозимларда ишлади. 1998 йилдан буён Тошкент шаҳридаги "Чигатой-Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасини бажариб келади.

Оқсоқол маҳаллада кейинги беш йил ичида амалга оширилган бир талай хайрли ишларга бош-қош бўлди. Аҳоли турар жойлари ва уйлар орасидаги тор тўпроқ кўчалар кенгайтирилиб, асфальт ётқизилди, сартарошхона, ғўшт дўкони, газета дўкони, уй-рўзгор жиҳозлари, поабзал таъмирлаш устоналари қурилиб ишга туширилди, кўпчилик ёшлар иш билан таъминланди. Каровисиз ётган Чигатой тепалиғи шахсан унинг ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги кўмағида ва ҳашар орқали ободонлаштирилиб, но-

гиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари дам оладиган меҳр-муруват масканига айлантирилди. Худуддаги 261-мактабнинг спорт майдончаси маҳалла фаолларининг сай-ҳаракатлари билан қайта таъмирланиб, кўркем спорт мажмуаси бўлди. Бу ерда волейбол, баскетбол майдонлари ва теннис корти бунёд этилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси маҳалла оқсоқоли Хайрулла Мўминовнинг ғайрати, ишбилармонлиги, тadbиркорлиги боис амалга ошди, десак муболаға бўлмайди. Мана, яна бир мисол: 2001 йили маҳаллада кам таъминланган оилалар сони 63 та эди, ҳозирги кунда улар 17 та ташкил этади. Тadbиркорлигининг йўлга қўйилгани туфайли маҳалладаги аксарият ёшлар иш билан таъминланди, демак аҳолининг турмуш тарзи яхшиланди.

Маҳалламиз ҳудудда тунуксозлик, чилангарлик устоналари қуриб, уларга қўлида хунари бор ёшларни жалб этдик, — дейди Хайрулла Мўминов биз билан суҳбатда. — Собир Раҳимов туман Меҳнат бўлими билан ҳамкорликда маҳалланинг 60 нафар йигит-қизини касб-хунари ўрганиши учун турли ўқув курсларига юбордик. Келажакда улар учун алоҳида тadbиркорлик мажмуасини очиб, барчасини иш билан таъминлашни режалаштирганимиз.

"Чигатой-Оқтепа" маҳалласини республикамизнинг маҳалла тажриба мактаби, деса арзийди. Зеро, Франция, Бельгия, Япония ва Исроил давлатларидан келган ўзини-ўзи бошқариш органлари мутахассислари ҳам бу маҳаллада амалга оширилаётган ишлардан ибрат ола арзийди, деган фикр-ни билдиришди. Маҳалла фаоллари 2002 йили Грециянинг Афина шаҳрида бўлишиб, ўзини-ўзи бошқариш органлари халқро кўргазмасида қатнашишди ва фахрли ўринлардан бирини эгаллашди.

Жонқуяр раис Хайрулла Мўминов 1999-2005 йилларда "Энг яхши тadbиркор маҳалла оқсоқоли" ва 2000-2004 йилларда "Ибратли маҳалла оқсоқоли" танловлари ғолиби бўлди. Оқсоқол айни пайтда мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У 1995 йилдан "Адолат" социал-демократик партиясининг аъзоси. 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига депутат бўлди.

Қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлиги, осойишталигини асраш, тadbиркорлик фазилатларини намойён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга қўлаётган муносиб хиссаси учун Хайрулла Мўминов Президентимиз томонидан 2005 йил 22 августда "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Анвар СУЙОНОВ, "Адолат" муҳбири

АЛЮМИНИЙ ОҒУСИ

ёхуд экологик мувозанатнинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мана шундай оғир бир шароитда Россиянинг «Русский алюминий» компанияси Турсунзодадаги алюминий заводининг қувватини ошириш, бу ҳам камдай, Хатлонда яна бир алюминий корхонасини қуриш режасини тузаётгани янада таъжубга ҳолдир.

Ҳозир ишлаб турган заводнинг қуввати оширилса ҳавога йилга 700-800 тоннага яқин фторли водород бирикмалари чиқарилади. Хўш, яна бир корхона қурилганда аҳоли қандай бўлишини тасаввур қилиб кўринг!

Устозимиз академик Х.Усмонов фторни «ёвуз экин»га ўхшатар, агар қўздан чиқиб кетса ҳамма ёқни вайрон қилишини айтиб огоҳлантирадир. Дарҳақиқат, фтор оддий шароитда сув, қум, углеводородлар ва бошқа моддалар билан

реакцияга киришиб кетаядиган ўта хавфли моддаки, унинг бирикмалари нафақат ердаги модда-маҳсулотлар билан биришиб уларни ишдан чиқаради, захарлайди, парчалайди, балки атмосферанинг юқори қаватларига кўтарилиб, озон қатламини ҳам бузади.

Кимёгарлар орасида «тутқик бермас», «бўйсунмас элемент» номи оlingан фторни бўйсундирарилиб, уни турли полимер материаллар олишда ишлатса, халқ ҳужалигига фойда келтиради. Ундан қаттиқ шароитларда бемалол ишлайдиган полимерлар, ёнмайдиган материаллар ишлаб чиқаришда хомашё сифатида фойдаланиш мумкин. Бизнингча, мана шундай илмий ҳамкорлик ришталарини кенгайтириш соғлом ва айна пайтда, умуминсоний қадриятларга мос иш бўлур эди.

Марказий Осиё халқлари — дунё

цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуг аждодларимизнинг муносиб ворислари сифатида биз қўлни қўлга бериб, ҳамжихатликда бутун ҳудудимиздаги экологик вазиятни яхшилаш йўлида курашмоғимиз лозим. Бу бизнинг келажак авлодлар олдидаги бурчимиздир. Биринчи галда ҳам Ўзбекистонлик, ҳам тожикистонлик олимлар умумий уйимимиз — Марказий Осиё ҳудудини экологик тоза маконга айлантиришдек долзарб вазифанинг кун тартибидан турганини унутмаслигимиз шарт. Чунки биз бир заминда яшаймиз, бир ҳаводан нафас оламиз. Алюминий оғусидек ўта хатарли экологик оғатнинг олдини олиш эса бизнинг бирдамликдаги сайёҳаракатимизни тақозо этади.

Қудрат АҲМЕДОВ, кимё фанлари доктори, Тўлқин АЛИМАРДОНОВ, сиёсий фанлар номзоиди

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Хукуматимиз томонидан ёшларни касбга йўналтиришга катта эътибор берилляпти. Шаҳар ва қишлоқларда кўплаб замонавий коллежлар қад қўтарилмоқда. Чунинчи, айни вақтда Балиқчи туманида касб-хунарга йўналтирилган 3 та коллеж фаолият юритмоқда. Туман марказидаги қурилиш, коммунал касб-хунарга коллежи талабаларга танлаган йўналиши бўйича пухта билим ва замонавий касб эгаллаш имконини берапти.

Коллежда талабалар пухта билим олишлари ва хунарга ўрганишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Фан хоналари, устахоналардаги замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-услубий қуроллар, кўргазмалар, воситалар, кутубхона, ўқув таъриба ва дам олиш хоналари, ошхона, спорт зали, ахборот технологиялари ва компьютер жиҳозлари — буларнинг барчаси талабалар ихтиёрида. Коллежда талабаларга 97 нафар педагог 13 та йўналиш бўйича билим берапти. Педагогларнинг 2 нафари фан номзоди, 15 нафари олий, 40 нафари биринчи ва иккинчи тоифага эга мутахассислардир.

— Қадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида аниқ режа ва тадбирлар ишлаб чиққанмиз, — дейди коллеж директори вази-фасини бажарувчи Камолитдин Эркиев. — Тизимни ислох қилиш, замона талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши ва

мақсадига айланган. Яқинда тўлиқ жиҳозланган устахонамиз иш бошлади. Энди коллежмизда тайёрланадиган мебель маҳсулотларини шартнома асосида корхона ва ташкилотларга, ўқув юртиларига етказиб беришимиз мумкин. Натижада талабалар хунарга ўрганиш билан бирга коллежнинг моддий таъминотини кучайтириш имкони туғилади.

Хозир коллежда 2 та компьютер синфи, 5 та лингафон хонаси, 36 та фан хонаси, 22 фан тўғараги мунтазам ишлаб турибди. Жисмоний тарбия ишларини янада ривожлантириш мақсадида 4 миллион

бўлмоқчиман, — дейди яна бир талаба Элдорбек Солиев.

Ёшлар тарбияси ҳар қайси даврда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Айниқса, ўсмирлар тарбияси ота-оналардан, педагоглардан, лозим бўлса, бутун жамоатчиликдан юксак масъулият талаб этади. Коллеж талабаларининг кўпчилигини ўсмирлар ташкил этади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда уларнинг дарсдан бўш вақтлари тўлиқ назоратга олинган. Талабаларнинг кимлар билан дўст тутигани, кимлар билан алоқада эканлиги доимо педагог жамоа эътиборида. Ҳар ойда прокуратура ва ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари билан талабалар ўртасида давралар суҳбатлари ўтказиб турилади. Талабаларнинг бўш вақтларини

мазмунли ўтказиш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ўз касбининг моҳир усталари бўлиб етишишлари учун жамоа аъзолари астойдил ҳаракат қилишляпти. Талабалар ўртасида мунтазам равишда турли мавзуларда кечалар, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказилиб туради.

Коллеж биносига қираверишда эшик пештоқига ёзилган ҳикмати сўз кишининг эътиборини тортади. «Инсоннинг қиммати эмас сийму зар, инсоннинг қиммати илм, ҳам хунарга». Дарҳақиқат, хунарга инсонни улғайди, камолотга етказди.


Азамат МАХМУДОВ,
«Адолат» мухбири

ШАРОИТИ ТЎКИС КОЛЛЕЖ

Бугунги кунда Сурхондарёда 4 та педагогика касб-хунарга коллежи фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим масканлари ёшларга педагогика сирларини ўргатишда ва келажақда малакали мутахассислар бўлиб етишишида яқиндан ёрдам бермоқда. Ангор педагогика коллежи вилоятдаги нуфузи баланд ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади.

Коллеж 4 йилдан буён вилоят халқ таълими тизимида тўрт йўналиш бўйича кадрлар тайёрлаб келмоқда. «Тасвирий санъат ва чизмачилик», «Музыка», «Жисмоний тарбия», «Бошланғич синфларда таълим-тарбия» факультетларида 2142 нафар талаба тахсил олмақда.

— Даргоҳимизга вилоятимизнинг барча туманларидан ёшлар келиб, таълим олиш истагини билдираёттирлар. Йилдан-йил ҳужжат топширган абитуриентлар кўпайиб, талабаларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Кўплаб собиқ талабаларимиз мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ишлашмоқда, — дейди коллеж директори Иброҳим Аҳмедов.



Айтиш мумкинки, коллежда ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ўқув хоналари, спорт мажмуаси керакли асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

Жорий йилда коллеж биноси қайтадан таъмирдан чиқарилди. Таъмирлаш ишларига 6 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди.

Ўқув даргоҳида 95 нафар педагог талабаларга фидойилик билан таълим-тарбия бермоқда. Уларнинг меҳнати самараси ўлароқ, талабалар устозларининг ишончини оқлашмоқда. Улар республика, вилоят миқёсидаги фан олимпиадаларида қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритишляпти.

Коллеж жамоаси талабалари билан фахрланишади. Негаки, бугун улар қўлида тахсил олаётган талабалар уларнинг давомчиларидир.

Турсун МАХМАДИЕВ,
«Адолат» мухбири

ИНСОННИНГ ҚИММАТИ ИЛМ ВА ХУНАР

сўмлик спорт анжомлари келтирилди.

— Ёшлигимдан турли хил либосларни ўзим кишиши орзу қилардим, — дейди 208-тикув ишлаб-чиқариш ва моделлаштириш гуруҳининг иккинчи курс талабаси Феруза Хўжамова. — Ана шу орзумга етишиш учун астойдил ўқиб-ўрганмоқдаман. Мақсадим — келажақда моҳир чевар бўлиш.

— Болалигимдан техникага жуда қизиқардим. Ана шу қизиқиш мени ушбу даргоҳга етказиб келди. Бу ерда талабалар учун яратилган шароитларни кўриб ўқишга бўлган қизиқишим янада ортди. Келгусида автомобилларни таъмирлаш бўйича малакали мутахассис

мазмунли ўтказиш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ўз касбининг моҳир усталари бўлиб етишишлари учун жамоа аъзолари астойдил ҳаракат қилишляпти. Талабалар ўртасида мунтазам равишда турли мавзуларда кечалар, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказилиб туради.

Коллеж биносига қираверишда эшик пештоқига ёзилган ҳикмати сўз кишининг эътиборини тортади. «Инсоннинг қиммати эмас сийму зар, инсоннинг қиммати илм, ҳам хунарга». Дарҳақиқат, хунарга инсонни улғайди, камолотга етказди.

Азамат МАХМУДОВ,
«Адолат» мухбири

ТОШЛОҚ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган, ёшларимиз қалбига илм-маърифат зиёсини сочаётган барча устоз-педагогларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклайди.

Устоз-мураббийларга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, эзгу ва савобли ишларида улкан зафарлар тилайди. Айёмингиз муборак, азиз устозлар!

СИЗГА ТАЪЗИМ, МУРАББИЙ!

Миллий истиклол туфайли халқимиз янги тарихий даврга қадам қўйди. Ўз-ўзидан таълим тизимига ўтиш таъминотларининг ҳаётга тадбиқ этилиши Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган иқтидорли мактаб интернатидан ҳам таълим-тарбия усулларини такомиллаштиришда асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Мактаб интернати жамоаси ўқув жараёнини юқори савияда ташкил этиш, фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши учун бор куч-ғайратларини аямасдан фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Бу ерда барча шароитлар яратилган бўлиб, ўқувчилар ёзги таътиллари ва иқтидорли болалар ёзги мактабидида ўтказиб, республика олий таълим муассасаларининг етук профессор-ўқитувчилари ва Фанлар академиясининг илмий педагог ходимларидан сабоқ олади.

Жамоанинг сай-ҳаракатлари ҳамда улар билан ҳамкорлик самараси ўлароқ, мактаб ўқувчилари АҚШ, Корея, Япония, Испания, Греция, Англия давлатларида ўтказилган Жаҳон олимпиадаларида иштирок этиб, физика, математика фанлари бўйича кумуш, бронза медаллари соҳиблари бўлишди. Бундан ташқари, республика фан олимпиа-

даларида I, II, III даражали диплом совриндорларидан ҳар йили 12-14 нафар ўқувчи олий таълим муассасаларига имтиёз бўйича талабалар сафига қабул қилинмоқда.

Бу йилги тест синовлари натижалари бўйича ҳам мактаб интернат ўқувчиларининг 95 фоизи давлат грантлари асосида турли олий таълим даргоҳларига кириб тахсил олишмоқда.

Мен давлатимиз раҳбари томонидан устозимга кўрсатилган эътиборни ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Ўзим ва синфдошларим номидан Т.Жумаевнинг Ватанимизнинг юксак мукофоти «Эл-юрт хурмати» орденига муносиб деб топилгани ва тақдирланганлиги билан табриклайман. Менинг талаба бўлишимда ўз куч-ғайратларини аямай сабоқ берган азиз устозларим Н.Шўжурова, Х.Раҳимов ҳамда мактабимиз раҳбари Т.Жумаев ва барча ўқитувчиларимиздан бағоят миннатдорман. Уларга доимо соғл-лук, куч-ғайрат тилаб, Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий кутлайман.

Собиқ ўқувчингиз,
Тошкент ахборот технологиялари университети 1-босқич талабаси
Эркин САФАРОВ

ТАЛАБАЛАР ҲАШАРДА

Ёшларга илғор педагогик технологиялар асосида чуқур билим бериш, уларни ўз соҳасининг етук билимдонига бўлган мутахассис кадрлар этиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ана шундай ўта масъулиятли ишни муваффақият билан амалга ошириш мақсадида республикамизда ўнлаб замонавий олийгоҳлар, касб-хунарга коллежлари, академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириб келаётган билим масканлари сирасига Бекобод техника-иқтисодиёт касб-хунарга коллежини ҳам киритиш мумкин. Айни пайтда ушбу масканда 1167 талаба етти йўналиш бўйича тахсил олиб, касб-хунарга ўрганаляпти.

Замонавий компьютер хоналари ҳар доим талабалар билан гавжум. Бой кутубхона, кенг ва кўркем спорт-соғломлаштириш заллари улар ихтиёрида. 68 нафар педагог таълим-тарбия ишларини олиб бормоқда. Шу билан бирга, айни кунларда коллеж жамоаси пахта йиғим-терим мавсумида ҳам деҳқонларга яқин кўмакчи бўлиб, «оқ олтин» ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда ўз ёрдамларини аямаётди. Коллеж ўқитувчи ва талабалари тумандаги «Ойбек» фермерлар уюшмасида пахта йиғим-теримида иштирок этишмоқда.

— Пахта йиғим-терими мавсумида бефарқ одамни топиш қийин, — дейди коллеж директори Мамасобир Бухарбоев. — Ҳашарчи теримчиларнинг пахтакорларга ёрдам бериш мақсадида далага сидқи-дилдан йўл олишларида катта маъно бор. У бирдамлик белгисидир. Қолаверса, инсон меҳнатда тобла-

нади ҳалоллик, одамларни қадрлашни ўргатади. Мана шундай масъулиятли паллада пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳашар-



ла Хусанова. — Уч маҳал иссиқ овлатимиз тайин. Ётоғимизда барча шароитлар яратилган. Ҳар беш кунда даламизнинг ўзида терим ҳақи бериб бориляпти. Тенгдошларимиз билан улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшишни астойдил ният қилганмиз.

Дарҳақиқат, ҳашарчи-талабалар қаторида Э.Райимқулов, М.Шодиёва, Д.Зокиров, М.Дехқонова, А.Сотибондиев ва Г.Ҳожибоев сингари ўқитувчилар ҳам пахтакорлар юқини енгиллаштиришда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Халқ ҳўжалигининг турли жаба-ҳаларида етук малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида астойдил меҳнат қилаётган касб-хунарга коллежи жамоаси фаолиятига улкан ютуқлар, зафарлар тилаб, ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами билан чин дилдан кутлаймиз.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Адолат» мухбири

чи талабаларимиз ҳолидан хабар олиш, илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантириш бизнинг бош мақсадимиз. Чунки бу кўнгилларни кўтаради, кишига яхши кайфият бағишлайди, самарадорлигини оширади.

— Кунига 90-100 килограммга етказиб оқ олтин йиғиштириб олишга ҳаракат қилаямиз, — дея суҳбатга қўшилиди иккинчи босқич талабалари Дилноза Маҳмадова ва Коми-



КАМОЛОТ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТ

тади. Туманда айни пайтда 23 та спорт зали, 23 та мини футбол, 35 та баскетбол, 36 та волейбол, 19 та қўл тўпи 41 та югуриш майдончалари ва 1 та теннис корти ўқувчилар ихтиёрида бўлиб, бир неча мингдан зиёд ёшлар турли спорт турлари билан машғул. Бунинг самараси ўлароқ, «Умид ниҳоллари» масобақаларининг вилоят ҳудудий ва финал босқич беллашувларида футболчиларимиз фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Спортнинг белбоғли кураш тури бўйича терма жамоамиз вилоятда голиб чиқди.

Фан олимпиадаларини ўтказиш, қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш мақсадида 37 нафар ўқувчимиз 18 та йўналиш бўйича ўз билимларини синаб кўриш учун Республика босқичига йўлланма олишган эди. Натижа бесамар

рақлари ҳар бир боғчада мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Таълим-тарбия ва ўқув жараёнида жисмоний тарбия машғулотларига эътиборни кучайтириш мақсадида «Алпомиш ва Барчинчи», «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаларини ўтказиш аънаъига айланган.

Умуман, бугунги кундаги бош мақсад ва вазифамиз — мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Ушбу масъулиятли ҳамда шарафли ишларни амалга оширишда барча соҳа ходимларига куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик ва етук малака тилаб қоламиз. Байрамингиз кутлуг бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Шухрат РЎЗМАТОВ,
Бўка туман халқ таълими бўлими мудири

Балиқчи туманидаги ЧИНОБОД ҚУРИЛИШ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ҳамда ЎРМОНБЕК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАЛАРИ

*Мамлакатимиз таълим-тарбия муассасаларида
сидқидилган меҳнат қилаётган барча педагог
ҳодимларни касб байрами билан
самимий табриклайди.*

Келажак авлодни етук касб эгаси, она Ватанга муносиб фарзандлар этиб тарбиялаш йўлидаги машаққатли, лекин шарафли ишларингизда куч-гайрат, сиҳат-саломатлик ва омад тилаймиз!



Қумқўреон туманидаги САЙХОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ- ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*Барча таълим жонкуярла-
ри, фидойи касб эгалари-
ни Ўқитувчи ва мураббий-
лар куни муносабати билан
чин дилдан қутлайди.*

БАЙРАМИНГИЗ

МУБОРАК

БЎЛСИН!



Юртимиз-истикболи учун таълим, билимдон ва эркин фикрли кадрларни тайёрлаш бугуннинг талаби. Зеро, энди мактаб кучига ташриф буюраётган болакайни ўқир зехни, зукко қилиб тарбиялаш мактаб ва мактабга таълим муассасалари зиммасига улкан масъулият юклайди.

Жорий йилда Республика халқ таълими вазирлигининг жойлардаги бўлимлари томонидан кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Наманган шаҳар

лари" фанидан 58-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ўлмас Жўраев, рус тили фанидан Александра Курбанова, 10-синф ўқувчиси Ольга Пахотних, 10-синф ўқувчиси Комила Йўлдошева, "Инсон ва жамият" фанидан 27-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Алишер Убайдуллаев, физика бўйича Темура Рахматов биринчи ўринни эгаллаб, олимпиаданинг республика босқичида иштирок этди.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни

ичида муваффақиятли иштирок этди. У танловнинг республика босқичида ҳам фахрли ўринлардан бирини эгаллашга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, "Сиҳат-саломатлик" йили муносабати билан ёшларни ҳар томонлама соғлом, етук ва баркамол инсонлар бўлиб етиштириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида "Кувноқ стартлар" мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИГА АЖОЙИБ СОВҒА

Мамлакатимизда жорий йилда ёш авлодга таълим-тарбия бериб, касб-хунар сирларини пухта ўргатадиган ўнлаб коллеж бинолари қуриб битказилди. Кунни кеча Мингбулоқ туманидаги Ўзгариш қишлоғида ана шундай замонавий билим даргоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маиший хизмат касб-хунар коллежи қурилишига шу йилнинг январ ойида тамал тоши қўйилиб, дастлабки ишлар бошланган эди. Бош пудратчи — Ўчқўргон туманидаги «Сардор» кўп тармоқли хусусий корхонасининг 350 нафар қўлигул усталари 650 ўринли билим даргоҳини бунёд этишда жонбозлик кўрсатишди. Айтиш мумкинки, бу бесамар кетмади. Чунки жами 1,5 миллион сўм маблағ сарфланган ишот қурилиши декабр ойининг охирида якунланиши мўлжалланган эди. Тинимсиз қилинган меҳнатлар эвазига коллеж биноси муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

Айтиш жоизки, ёшларнинг касб-хунарга мойиллиги, лаёқати, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириб, танлаган йўналишлари бўйича бир неча касб эгаллаш имконини берадиган коллеж биноси қўрган кўзни қувонтирадиган даражада чиройли, шинам қурилган. Барча ўқув хоналари янги ва қўлай мебел тўпламлари билан жиҳозланган. Умумтаълим ва махсус фан кабинетлари, компьютер ва лингафон хоналари замон талаблари даражасида ускуналар билан таъминланган. Талабалар замонавий дастгоҳлар ва асбоб-ускуналарда амалиётни ўтайдилар. Етарли имконият муҳайё бўлган замонавий спорт мажмуаси, 200 ўринли ошхона, 6500 та китоб захирасига эга бой кутубхона талабалар ихтиёрида.

Хуллас, янги қишлоқ ёшларига аjoyиб тўхфа бўлди. Коллежда биринчи кўнгиноқ жаранглаб, 270 нафар қадриғоч талабалар янги билим масканида илк сабоқни бошлашди.

Азаматжон МАҲМУДОВ,
«Адолат» мухбири

БУГУН ТАЛАБА, ЭРТАГА ЕТУК МУТАХАССИС

Касб танлашда ўқувчи ёшлар учун касб-хунар коллежларининг ўрни катта. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида турли йўналишдаги коллежлар фаолият юритади ва уларда турли мутахассисликлар бўйича иқтидорли кадрлар тайёрланади. Шундай мақсад йўлида бир неча йилдан бундан ёшларга таълим бериб келаётган масканлардан бири Тошкент автомобил ва йўллар коллежидир.

Коллежда менежмент, бухгалтерия ҳисоби, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, атомобил транспортда таъминлаш ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш каби бир неча йўналишлар бўйича сабоқ берилади. Ўқувчилар тахсил оладиган хоналар давлат таълим стандартлари даражасида ўқув-техника воситалари билан таъминланган. Ўқув жараёни компьютерлаштирилган хоналарда олиб борилади. Уларнинг интернет тармоғига улангани ёшларнинг жаҳон тажрибаларидан бохабар бўлишига ёрдам бераётир. "Тико", "Дамас" автомобилларининг тузилишини ўргатиш учун компьютер дастурлари тузилган. Амалиётлар "UzDEWauto", "UzKAMKO" қўшма корхоналари билан, "Тошшаҳарйўловчигитранс" давлат уюшмаси каби нуфузли ташкилотларда олиб борилади. Талабаларга иккинчи мутахассислик сифатида ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам берилади.

Ёшларнинг ҳарбий қақирувга қадар бошлангич тайёргарлиги кафедрасида олти йўналишда (отиш, амалий жисмоний тайёргарлик, ҳарбий хизмат, тиббий билим, ҳарбий иш асослари, фуқаро муҳофазаси) дарс берилади. Кафедра Тошкент Давлат Педагогика университети ҳарбий билим кафедраси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Кафедрамизда ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тайёрлашга жиддий эътибор қаратилган, — дейди лейтенант Ботир Мадаминов. — Ватанни қўриқлайдиган, бирлар, танловлар ўтказиб турилади. 2004-2005 ўқув йили ўрта махсус касб-хунар бошқармаси тизимидаги 120 та коллеж ва лицей ўртасида ўтказиладиган рейтинг кўрсаткичи бўйича мазкур коллеж биринчи ўринни эгаллади.

Юртининг ҳар бир қарич ери учун ўз кўксини қалқон қиладиган, доимо шижоати ва меҳнати билан мамлакатимиз равақига ўз хиссасини қўшадиган фарзандларни воёга етказиш бизнинг асосий бурчимиздир.

Коллежда ёшларнинг маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун турли тад-

Хозирги кунда коллеж жамоаси ўқувчиларга таълим-тарбия беришда давлат ва жамоат ташкилотлари, турли тиббий муассасалар, шунингдек, Швейцариянинг "Скания" автомобиллар ишлаб чиқариш заводи, Стокгольм шаҳридаги Қироллик техника университети, Киев автомобил ва йўллар институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Шунингдек, ёшлар жисмоний тарбия дарсларидан ташқари футбол, волейбол, баскетбол, кураш, енгил атлетика, стол теннис, оғир атлетика тўғрисида қатнашиб келмоқдалар.

— Биз ёшларга таълим бериш жараёнида уларнинг маънавий инсон бўлиб етишишларига ҳам катта эътибор қаратамиз, — дейди коллеж директори Жасур Қўлмуҳамедов. — Кутубхонамизда 20 мингдан ортиқ китоб бор, талабалар керакли китобларни ўқишлари учун кутубхонамизда иш тартиби яхши йўлга қўйилган.

Эзгу мақсад билан қилинган ишнинг охири бахайр бўлганидек, коллежда тахсил оладиган ёшларнинг келажакда эл қорига ярайдиган мутахассислар бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

Дилноза НОМОЗОВА,
«Адолат» мухбири

МАКТАБГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

халқ таълими бўлимида олиб борилаётган тадбирлар таҳсинга сазавордир.

Хозирги кунда шаҳар халқ таълими тасарруфида 64 та умумтаълим мактаби, 79 та мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд. 92 минг 290 нафар ўғил-қизга 4 минг 844 нафар педагог ҳодим таълим-тарбия беришда. Жорий йилда таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган 250 нафар илгор ўқитувчининг иш таърибаси юксак баҳоланиб, вилоят ва шаҳар миқёсида оммалаштирилди.

Умумтаълим фанларидан ўтказилган вилоят фан олимпиадаларида шаҳар жамоаси умумий ҳисобда биринчи ўринни қўлга киритди. "Иқтисодий билим асос-

ташкил қилиш бўйича шаҳар халқ таълими бўлими режасига асосан умумтаълим мактабларида "Ватан тимсоли", "Чегарачи бўламан", "Мен Ватанин севаман", "Табиат: кеча, бугун, эртага", "Иқтидорли ўқувчилар" кўрик-танловлари, "Хуқуқий маданият — буюк келажак асоси", "Ораста санам", "Умид ниҳоллари", "Шунқорлар" каби викторина ва мусобақалар ўтказилди. 12 та мактабдан ташқари таълим муассасасидаги 703 та тўғарак машғулотларида 7319 нафар ўқувчи жалб этилди.

Богча тарбиячилари ўрта-сида "Йил тарбиячиси" кўрик-танлови ўтказилиб, 57-МТМ тарбиячиси Мадина Турсунова вилоят босқ-

Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар халқ таълими бўлимида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2004-2009 йилларда иккита янги мактаб биносини қуриш, 10 та мактабнинг капитал реконструкция қилиш, 28 та мактабни капитал таъмирлаш, 17 та мактабни жорий таъмирлаш дастури тасдиқланиб, бир неча таълим масканларида жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.


Давур ЖОЗИЛОВ,
«Адолат» мухбири

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*Ҳурматли муаллимлар, қадрли устозлар
ва барча соҳа жонкуярларини Ўқитувчи ва
мураббийлар куни билан самимий мубо-
ракбод этади.*

*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иж-
росини таъминлаш, таълимни юксалти-
риш, ёшларни юксак ватанпарварлик ру-
ҳида тарбиялашдек ниҳоятда масъулият-
ли фаолиятингизда барча эзгу истаклар
ёр бўлишини тилаб қолади.*

**Қалбингизни маърифат
зиёси ҳеч қачон тарк этмасин.**





МЕН ИЛК ТАНИГАН ЮЛДУЗ

Яқинда халқимиз улуг байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллигини зўр тантаналар билан нишонлади. Байрам муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот ҳамда ижтимоий соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганидан машҳур хонандамизнинг кўплаб мухлислари қатори мен ҳам чексиз қувондим. Ватанимизнинг бу юксак мукофоти истеъдодли санъаткоримизни янги ижодий парвозларга рағбатлантиришга ишончим комил. Қуйида бир неча йил бурун хонанда билан бўлиб ўтган бир учрашувимиз тафсилотини сўзлаб бермоқчиман.

Тўтиб ўтирган қизимни бағримга босиб, эртага ўзил-кесил бу вазифани ўзимдан соқит қилиш ҳақида ўйладим.

Эртасига эрталабга яқин қизимнинг иситмаси тушди, қарасам, озиқ тиши ёрибди. Демак, тиш чиқишининг иситмаси экан, кўнглим бироз хотиржам тортиди. Шу хотиржамлик ҳам сабаб бўлдим, ҳарқалай, Юлдуз Усмонова билан суҳбатнинг улдасидан чиқа олмайман, деб айтишни яна ўзимга эп кўрмадим. Иш юритувчисидан хонанда эртаси куни «Ўзбекфильм»нинг овоз ёзиш студиясида янги кўшигини тасмага таъширини биллиб олдим. Эртасига излаб борсам, ҳақиқатдан ҳам студиядан Юлдуз-хонимнинг овози келарди, иш қизигини эди. Кутдим, эҳе, битта кўшиқни ёзиш шунчалар қийин, шунчалар узо-оқ экан. Ниҳоят, улар ишларини тугатишди.

Юлдуз Усмонова йўлакда кўриниши билан саломлашдим, танишувимиз асосида бинодан ташқарига чиқдим. Мақсадимни айтдим. — Сиз билан гаплашишга ўн дақиқа вақтим бор, — деди у.

— Суҳбатимиз ўн дақиқага сифаримкан? — дедим кўнглимдан ўтганларни билдирмасликка уриниб. Ва шу лаҳзаларда биз киностудия биносига кириб боравердик, дақиқа учта зинали пиллапоя

устига етиб боргандик. Юлдуз ҳеч ким билан иши бўлмай, саволимга жавоб ҳам бермай, шартта мана шу пиллапоянинг бирига ўтириб олди-ю менга тикилиб: — Беринг саволингизни, — деди.

Гапнинг очиги, бу қадар самимий, болаларча бегурзор, соддадиллик меннинг кўнглимдан ўтган ва ўтаётган бошқа уй-кечинмаларни сидириб ташлади.

Кейин англадимки, хонанда ҳозиргина бир кўшиқни тасмага топширгунча, уни неча бор такрор-такрор айтиб, сўзу оҳанглари заргар каби сайқаллаб маромига етказгунча чарчаган экан. Лекин суҳбатимиз анча чўзилди.

Юлдуз бир пиллапоя баландда, мен пастда — юзма-юз ўтирибмиз. Ўшанда мени унинг ўз ҳаётини бўяб-бежашга уринмагани ҳайрон қолдирганди (машҳурларнинг баландпарвоз гапларига кўникиб кетганмиз-да).

— Болалигимда қорачадан келган, ўғил болалардек шўх эдим. Ҳаётимнинг бундан тинмай танбех эшитардим, — бу гапларни айтиркан, Юлдуз кўпроқ менинг кўзимга эмас, елкам оша ён томонга — ерга ҳаёлчан тикилиб ўтирдим.

Суҳбатимиз тугади, у ҳамон нигоҳини ердан узмасди, мен ҳам унга қара-

Йиллар ва одамлар

ганча ўтирибман.

— Инидан тушиб кетибди-да, онаси чиққиллайди... — деди у ҳаёлчан. Тушунмадим, кейин Юлдузнинг кўзлари қадалган ерга — ён томонига ўгирилди: ерда қалдирғочнинг жиш боласи жонсиз ётарди. Биз «Ўзбекфильм»га кираверишдаги айвон пештоқининг тағида ўтирдик. Шундагина мен хонанданинг суҳбатимиз бошланганидан буён нима учун мана шу томонга ўйчан тикилиб ўтирганининг сабабини тушундим.

Суҳбатимиз, режалантирилгандек, газетанинг байрам сониди босилди.

...Воқеаларни батафсил эслагимни боиси, аслида, кўнглимга Юлдузхонимнинг увол бўлган қалдирғоч боласига ҳамгин тикилиб ўтириб: «Онаси чиққиллайди», деган ҳолати муҳрланиб қолган.

Ҳар гал хонанда кўшиқ айтганида ана шу уйғоқ, ҳамдард, меҳри нигоҳини, дилини худди ўша пайтдагидек кўраман. Аллоҳ берган иқтидор, ноёб овоз инсонийлик фазилатлари билан уйғунлашиб баркамоллик касб этгандагина санъаткорга бетақдорлик, эъзозга сазоворлик насиб этармикан...

Мухтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими

ДИЛШОД — ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, улар спорт билан мунтазам шугулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Юртбошимиз Ислам Каримов мамлакатни бутун дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлаган эди. Бугун ушбу пурмаъно сўзларнинг исботини кўряпмиз. Мустақиллик йилларида спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовина, боксчилардан Мухаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткир Хайдаров, Артур Григорян, юнон-рум курашчиси Дилшод Орипов, Александр Доктуров, эркин кураш усталари Артур

Таймазов, Дилшод Мансуров, дзюдочи Абдулла Танриев жаҳон ва кўпга чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида ғолиб чиқди.

Кўни кеча Будапешт шаҳридан яна бир хушбағар келди. Венгрия пойтахтида бошланган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Дилшод Мансуров жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз финалда Болгария вакили Радослав Великов билан куч сынашди. Рақибни устидан зафар кучган Дилшод Мансуровга жаҳон чемпионлигининг олтин медали топширилди ва унинг шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Дилшод Мансуровнинг ушбу ғалабаси икки йил муқаддам АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган жаҳон

чемпионатини ёдга солди. Унгача терма жамоамиз аъзоларига эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медал олиш насиб этмаганди. АҚШдаги мусобақада Дилшод Мансуров 55 килограмм вазн тоифасида олтин медални кўлга киритган бўлса, Артур Таймазов оғирлиги 120 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида жаҳон чемпиони бўлган эди.

Мана, орадан икки йил ўтган, Дилшод чемпионлик унвонини муносиб ғимоя қилди. Эркин кураш сирасорларини таниқли мураббий Маъмур Рўзиевдан ўрганаётган 22 ёшли полковник ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати олтин медалларини кўлга киритган, Осиё ўйинлари ва кўплаб халқаро турнирларда ғолиб чиққан.

Зоҳир ТОШУҲАЕВ,
спорт шарҳловчиси

ҲАМЮРТИМИЗ ИККИНЧИ

Нидерландияда трамполин бўйича кизлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида иштирок этган ўзбекистонлик Анна Савкина юртимиз шарафини муносиб ғимоя қилди.

Нуфузли мусобақанинг саралаш босқичида етмишдан зиёд спортчи ўртасида ол-

тинчи ўринни эгаллаган Анна Савкина финалда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Асосий беллашувларда батутда сакраш бўйича юқори натижа кўрсатган ўзбекистонлик спортчи иккинчи ўринни эгаллади ва жаҳон биринчилигининг кумуш медали билан тақдирланди.

ФАРҒОНАДА БЕЛЛАШУВ

Фарғона шаҳрида стол тенниси бўйича ўтказилган «Олимпия умидлари» республика мусобақасида юз нафардан зиёд иқтидорли спортчи ғолиблик учун куч сынашди.

1989-1990 йилларда туғилган ўғил болалар баҳсида тошкентлик Евгений Грудский мусобақа ғолиби бўлди. Кейинги ўринларни Иzzат Нуриддинов (Наманган) ва Зоҳид Кенжаев (Тошкент вилояти) эгаллади. Кизлар ўртасидаги беллашувларда со-вринли ўринлар Нафиса Каримова (Тош-

кент вилояти), Римма Гуфранова (Тошкент шаҳри) ва Назира Қосимовага (Андижон) насиб этди.

12 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўғил болалардан андижонлик Элмурод Холиков, фарғоналик Мухаммад Усанов ҳамда Нусрат Отахонов медаллар билан тақдирланди. Кизлар баҳсида эса совинли ўринлар пойтахтлик Ирода Қаландарова, Тошкент вилояти вакили Ольга Ким ҳамда чустлик Музаля Мухаммаджоновга насиб этди.

АННАНИНГ УЧТА МЕДАЛИ

Пойтахтимизда бадминтон бўйича ўтказилган мамлакат очик чемпионатида ҳамюртларимиздан ташқари Қозоғистондан келган спортчилар ҳам иштирок этди.

Саксон нафар бадминтончи қатнашган чемпионатнинг барча олтин медаллари ўзбекистонлик спортчиларга топ-

ширилди. Яққалик беллашувларда барча рақибларини мағлубиятга учратган Анна Смирнова ҳамда Рафаэль Зокиров мамлакат чемпиони, деган унвонга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган жўфтлик беллашувларида Анна Смирнова ва Яна Катеринич дуэти

ғолиб чиққан бўлса, эркекларда Рафаэль Зокиров ва Александр Давидовга етацидони топиладми.

Аралаш жўфтликлар баҳсида Алишер Зоҳидов билан бирга ғолиб чиққан Анна Смирнова чемпионатдаги учинчи олтин медални кўлга киритди.

Донолар бисотидан

АГАРЖОННИ МАГАРЖОНГА УЙЛАНТИРСАНГ...

Бурга тутмоққа ҳам бармоқ ҳўлламоқ керак.

Меҳнатсиз, машаққатсиз ҳеч бир нарсга эришиб бўлмайди. Ҳатто кичик бир мақсадга эришмоқ учун ҳам озгина машаққат чекиш керак.

Агаржонни магаржонга уйлантирсанг, Кошки деган бола туғилди.

Бу мақолни ланж, мижгов одамларга нисбатан қўллайдилар.

Авлиёга тош төгдимми? Эрактой, азиз, ардоқли бола йиғласа, шундай деб қочирим қилишди.

Аёз, кўрган кунинг унутма, кун чоригинг қуритма.

Бирор юқори мартабага мингач, ўзининг аввалги ҳолини унутган, ўзидан пастроқ мартабадагиларни менсмай қўйган кишиларга нисбатан айтилади.

Али жинни, Али жиннинг бари жинни.

Бу мақол «жинилик»да, жанжалкашлик ва шаллақиликда бир-бирдан қолишмайдиган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қуда-андаларга нисбатан ишлатилади. Мазкур иборанинг тухуми бирининг бари бир, деган талқини ҳам бор.

Аллақайтиб бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар.

Орақиқиб қутилган дамларга етдим деганда, бирор сабабга кўра иш бузилган (масалан, киши орау-ҳавас билан тўй қилганда ёғингарчилик бўлса ё бирор киши аллақайтиб зиёфатга борса-ю, хунук иш содир бўлиб, унга ҳеч нарсга татимаса), мақсадга эришмай қолган ҳолатларда ишлатилади.

Арава синса, ялқовга ўтин.

Арава синса, ялқов, дангаса одам уни тузатишга эринади-да, ўтин қилиб ёқиб юбора қолади.

«Маънолар маҳзани» китобидан

Қўшили ўлка — Бухоронинг
Болдек тоғли медалари,
Ҳам бетиним ашбор айтгувчи
Самарқанднинг нимшоҳи япроқлари
Бўлғусидир Сизга мунтазир.

Йоҳанн Волфганг Гётенинг
«Ғарбу Шарқ девони» дан

МАНГУ ПОРЛОҚ МАЁҚЛАРИМИЗ

...Самолёт шаҳар заминига қўнган, энг аввало, кишининг кўзи аэропорт биноси устидаги «Бухоро» деган ёзувга тушади. Шунда тилга беихтиёр «Бухорои шариф!» деган сўз келади. Дунёда қанчадан-қанча кўхна ва обод шаҳарлар бор, аммо ҳар қандай шаҳар ҳам «шариф» бўлавермаган! Маълумки, бу шаҳарда улуг муҳаддис Имом Бухорий тугилиб ўсгани шарафига Бухоро шариф, деб атала бошланган. «Шариф» сўзи муқаддас, азиз, табаррук, қутлуғ, деган маъноларни англатади.

Яқинда Россияда чиқадиган «Независимая газета» дан Санкт-Петербург шаҳри тўғрисидаги мақолани ўқиб қолдим. Унда ёзилишича, шаҳар мактабларида махсус дастур асосида «Петербургика» деган фан ўқитилар экан. Шу тарика, ўқувчиларга шаҳар тарихи, анъаналари, бугунги ҳаёти ва бошқа маълумотлар ипидан ипнасингача ўргатиларкан. Қолаверса, «Европа — Петербург» меъморий-таъмирлаш дастури асосида шаҳарни таъмирлаш ишлари обдон пухта ўйланиб амалга оширилди, бу ишга хориж технологиялари ва мутахассислари жалб этилар экан. Шаҳарда «Петербургини асраш» жамғармаси фаол иш олиб бораркан.

Шу мақола туртки бўлди-ю, аввалдан ўйлаб юрган баъзи мулоҳазаларни қорозга туширишга жазм этдим.

Баъзи олимлар, ноқулай табиат минтақасида тезкорлик билан бунёд этилган шаҳарларнинг «умри» қисқа бўлади, дейишади. Бундай шаҳарлар табиий офатлар журужига кўпроқ дучор бўлар экан. Не бўлганида ҳам қадим замонлардан буён одамлар табиий равишда жойлашган шаҳарларнинг ҳосияти ўзгача-да.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз каби шаҳарларимизни доимо кўкларга кўтариб мактаймиз. Бу асосли ва табиий ҳол. Аммо шунинг ўзига етарлимикан? Дейлик, биз ҳам «Самарқандия», «Шаҳри Кеш», «Тошкандия» ёки «Бухорои шариф» деган тарихларни ўша шаҳарларимизнинг мактабларидан ўқитсак бўлади.

Бунинг учун бизда тарихий «ма-

териаллар» етарли. Бу кўхна шаҳарларимизда «инсоният тоғи»дан буён одамлар яшаб келадилар. Сабаби, улар энг баҳаво, серхосият табиий минтақаларда жойлашган. Ёшини айтнинг, ҳар бири нақ 3000 йил илгари ҳам муқташам, муъаззам, гавжум шаҳарлар сифатида мавжуд бўлган. Бундан 30 аср аввал ҳам бу шаҳарларда маданият тараққий этган. «Бухороининг ҳар бир гишти — ҳикмат» дейишади. Бухоро шаҳри ҳосиятлари ва гаройиботларининг чеки йўқ. Мана шунлардан биттиси: Минораи Калон бундан 875 йил аввал бош меъмор Уста Бақо бошчилигида қурилган. Унга улуг зотларнинг нигоҳлари тушган. Уста Бақо: «Бу минора то қиёматгача безавол тургай. Қиёмат куни у менинг қабрим томон қулайди ва мени уйғотади», деган экан. Миноранинг баландлиги 47 метр, устанинг қабри ҳам минорадан шунча узокликда, дейишади.

Минораи Калон ҳозир ҳам шаҳарнинг меъморий рамзи сифатида юксалиб турибди. Илм ва ҳикмат маскани ҳисобланган бу шаҳарга барча иқлимдан одамлар илм истаб интиланлар. Айтишларича, ҳамма ерга осмондан нур ёғилса, Бухородан осмонга нур таралар эмас!

Дунёда Бухоро ва Самарқанд доимо бирга тилга олинади. ... Бундан 2330 йил аввал Самарқандни забт этган жаҳонгир Искандар Зулқарнайн шундай деган: «Мен Самарқанд таърифини жуда кўп эшитган эдим, лекин ўз кўзим билан кўриб турган бу шаҳар ҳеч қандай таърифа сизмас экан». Ярим дунёни кезиб, не-не юртларни кўрган, маъмур шаҳарларни забт этган жаҳонгирнинг хайрати бу!

«Аллоҳ яратган суякли мамлакатларнинг ичиде энг ширин, жаннатий медалар Самарқандадур», деб ёзади қадимги араб географи Ал-Истахрий.

Самарқанд шаҳри ҳақида жаноб Пайғабаримиз (САВ) айтган бир қатор ҳадислар борлиги, айниқса, хайратомузидир. Чунки бу ҳадислар Самарқандда ислом дини ёйилишидан анча бурун айтилган. Мана, ўша ҳадислардан бири. Саҳобалардан Анас ибн Молик шундай ривоятни келтирган: «Кимда-ким Самарқанд шаҳрида бўлган бўлса, унинг юзи Аллоҳ таоло олдида ёруғ бўлади, кимда-ким Самарқандда шаҳид бўлса, унинг руҳи тўппа-тўғри жаннатга йўл олади».

Самарқандни азалдан «ер юзининг сайқали», «унинг ҳеҳраси», «нур таратиб тургувчи нуқта», «мусулмон дунёсининг гавҳари», «шаҳрининг жаннатини», деб улуғлашади. Шу юксак сифатлар унга тарихнинг ўзи

Ифтихор

берган фахри унвонларидир. Буюк олим мутафаккири Гёте Самарқанду Бухорога атаб эхтиросли шеърлар битган. Негаки, бу шаҳарлар азалдан европаликлар тасаввуринида тўқин ва афсонавий юрт ҳисобланган.

Умуман, ҳар бир шаҳримиз ўтмишида мақтанса арзигулки, ибрат олгулик воқеалар жуда кўп. Қанча жасоратлар, не-не улугвор тантаналар, шунингдек, изтиробли, қоран қунар ҳам ўтган уларнинг тарихида. Бу шаҳарларда туғилиб, улғайган жаҳоншумул алломалар, буюк инсонлар, саркардалар, шоиру ҳофизларни эса санаб адоғига етиш мушкул! Ушбу зотларга муносиб авлод бўлиш масъулияти бизнинг зиммаларида.

Бизнингча, обод ва серхосият шаҳарларимизга ўзларининг тарихий унвонларини расман қайтариш вақти келди. Бу, айниқса, мустақиллик йилларида олиб борилаётган мислсиз ободончилик ишларига жуда мос тушади. Шўро даврида «нур Москвадан таралади» қабилидаги сохта таърифлар қайта-қайта ўқитиларди. Ваҳоланки, Шаҳрисабзнинг «Қўббат илм вал-адаб», Қўқоннинг «Хўқанди латиф» деган гўзал ва улугвор унвонлари ўша даврда атай тилга олинмас, унутилишга маҳкум этилган эди. Шаҳарларимизга бу унвонларни узок тарихнинг ўзи берган. Яъни, шаҳарларимизнинг ўз унвонини ўзи билан бирга, ҳар бири ўзига хос ва бетакрордир.

Мангу порлоқ маёқларимиз — татбарук шаҳарларимиз ҳақида қитоблар ёзилса, ўнлаб жилларни ташкил этиши шубҳасиз. Шунда ҳам барча маълумотларни тўлиқ қамраб олиш ниҳоятда мушкул бўлади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Э Ё Л О Н

● «Малика» МЧЖ Ҳусниддин Асомов (аски Софийский) кўчасидаги бўш турган кўп қаватли бинони савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш майдони учун қелишилган нархларда ижарага беради.

● «Малика» МЧЖ қошида янги ишга туширилган дастгоҳларда матоларни бўяшга бюртма қабул қилади.

● Қорхона ҳозирги кунда бўёқ цехига конструктор ва тикувчиларни ишга таклиф қилади. Мурожаат учун телефон: 132-26-69

АДОЛАТ
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

Муассис:
Ўзбекистон «Адолат»
СДП Сіёсіі Кенгаши

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган.

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сіёсат ва партия
хаёти бўлими — 136-54-39.
Хатлар бўлими — 136-55-64.

Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-55-64.
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39.
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Х. КҶҶҚОРОВА
Навбатчи — Ғ. ХИДИРОВ
Мусаххас — Н. МУХСИМОВА
Саҳифаловчи — Ж. ЖАББОРОВ

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотичилар кўчаси, 32-уй.

● «Адолат»дан кўчириб босиш факат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

Буюртма Г — 600.
Ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қорғоз бичими А — 2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилади — 22.30